O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Milliy tiklanish — millat kelajagi

Milliy tiklanish

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Har oyda ikki marta chop etiladi

O'zbekiston Milliy tiklanish demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

2005 yil, 14 oktabr, Juma

19 (325) son

ОММА ОРАСИДА БЎЛАЙЛИК

ЎзМТДП Марказий Кенгашида ЎзМТДПнинг Тошкент шаҳар кенгаши пленуми бўлиб ўтди. Анжуманда Марказий Кенгаш раиси Хуршид Дўстмуҳамедов сўзга чиқиб, пойтахт «Миллий тиклониш»чиларининг етакчилари ва фаоллари олдида турган вазифалар хусусида гапирди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Ҳайринисо Мирзажонова ЎзМТДП Марказий Кенгаши раиси ўринбосари этиб сайланганлиги муносабати билан у Тошкент шаҳар кенгаши раиси вазифасидан озод этилди.

«Тошшаҳарйўловчитранс»га қарашли 7–автокорхона очиқ ҳиссадорлик жамияти раиси ўринбосари, корхона касаба уюшмаси раиси Шуҳрат Муҳаммаджонов Тошкент шаҳар кенгаши раиси этиб бир овоздан сайланди.

Сўзга чиққанлар Ҳ.Мирзажонова шаҳар кенгаши раиси бўлиб ишлаган пайтдаги ижобий тажрибалар хусусида самимий фикрларини билдирдилар, шаҳар кенгаши олдида турган долзарб вазифалар, муаммолар хусусида гапирдилар.

Ҳ.Мирзажонова партия нашри «Миллий тикланиш» газетасига обуна мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш борасидаги тавсияларини билдирди.

Шу куни бир гуруҳ ёшлар партия сафига қабул қилиниб, уларга тантанали равишда аъзолик гувоҳномалари топширилди.

Муҳокама этилган ва бошқа турли масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Пленум ишида ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, Олий Мажлис ва шаҳар кенгаши депутатлари, Марказий Кенгаш аъзолари, партия матбуоти вакиллари иштирок этишди.

Ўз мухбиримиз.

ҲАЛҚАРО АНЖУМАН

Тошкентда «Икки палатали парламент фаолиятининг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши: халқаро тажриба ва ҳамкорлик амалиёти» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Европа Иттифоқининг Европ Эйд дастури доирасидаги «Ўзбекистонда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш» лойиҳаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Халқаро анжуманда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сенаторлар, оммавий ахборот воситалари, олий ўқув юртлари, дипломатик корпус, нодавлат ва халқаро ташкилотлар вакиллари, маҳаллий мутахассислар ҳамда халқаро экспертлар иштирок этди. Анжуманни Республика журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов табрик сўзи билан очди.

2005 йилдан мамлакатимизда икки палатали парламент иш бошлади. Бу эса парламент палаталари, Қонунчилик палатаси депутатлари ва сенаторлар фаолиятини ёритишда оммавий ахборот воситалари олдига янада муҳим вазифаларни қўйди. ОАВ, анжуманда таъкидланганидек, парламент билан жамият ўртасидаги кўприк вазифасини бажариши лозим. Бунинг учун матбуотда одамларнинг ўз фикрлари ва ғояларини содир бўлаётган воқеаларга муносабатини эркин ифода эта олишига шароит яратилиши лозим.

Х.Дўстмуҳамедов Республика ОАВ олдида икки палатали парламент ҳаётини ёритишда ҳали кўп ишлар қилиниши лозимлигини, қонун чиқарувчи ҳокимият фаолиятини ёритишда халқаро тажрибалардан фойдаланиш муҳимлигини алоҳида таъкидлади.

Греция телерадиоэштиришлар кенгаши вице-президенти Д.Харалампис, «Оммавий ахборот воситаларини ривожлантириш институти» журналистлар ассоциацияси раиси М.Мақсудова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Р.Охунов, Конрад Аденауэр жамғармасининг (Германия) Марказий Осиё, Қозоғистон ва Жанубий Кавказ мамлакатлари бўйича минтақавий вакили Х.Кайзер, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази директори ўринбосари М.Ҳожимуҳамедовнинг маърузалари ҳам тингланди.

Конференцияда иштирокчилар томонидан таҳлил этилган мавзу бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ

ЖОНЛАНИШ

Сўз партия етакчиларига



Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгашининг иш режаси асосида жойларда фуқаро ва партия аъзоларига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, ҳукумат ва Президент И.А.Каримов томонидан қабул қилинган муҳим ҳужжатларни, давлатимизнинг бугунги сиёсатини, партиямизнинг вазифаларини жойларда кенг тушунтириш учун ҳаракат қилмоқдамиз.

Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бахтиёр Кушакаев билан учрашувлар ғоятда қизиқарли ўтди. Депутатимиз одамларни қизиқтирган кўп саволларга ишонарли жавоб берди.

Кенгашимизнинг йиғилишларида ташкилий ишларни юргизиш тадбирларини белгилаб олдик. Кенгаш аъзоларни сиёсий ҳаётга, партия ишларига тортишга алоҳида эътибор қаратмоқда. Йиғилишларда қатнашувчилар Андижондаги бир тўда экстремистларнинг конституциявий тизимни куч билн эгаллашга қаратилган ҳаракатларини қоралади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг, ҳукуматнинг ушбу масаладаги барча ҳаракатларини қўллаб-қувватлади. Шу билан бирга Кенгаш шаҳар кенгашларини шакллантириш бўйича ташкилий ишлар олиб бормоқда.

З.ЕСЕНБАЕВ,
Ўзбекистон МТДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши раиси.

ЖАМИЯТИМИЗДА ВАТАНПАРВАРЛАР КЎП

Партиядошларимиз орасида Ватан, эл-юрт манфаатлари йўлида жонкуярлик, фидойилик билан хизмат қилаётганлар жуда кўп. Айниқса, зиёли кишилар, ҳур фикрли, соғлом тафаккур эгалари сонининг тез суръатлар билан ўсиб бораётгани бизни қувонтиради. Шарипов Роберт Шарофович раҳбарлик қилаётган Тошкент шаҳар ЎзМТДП Миробод туман кенгаши аъзоларининг иш фаолияти ҳам юқоридаги фикрларимизни яна бир бор тасдиқлайди. Биз Роберт Шарипов билан суҳбатда бўлдик.

– Роберт ака, суҳбатимиз аввалида газетхонларимизга ўзингизни яқиндан таништирсангиз.

–Мен 1939 йил Тошкент шаҳрида туғилганман. 1959–1964 йилларда А.Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетининг тарих факультетини битирганман. Тарих фанлари номзоди, доцентман. Меҳнат фаолиятимни 1964 йили Тошкент давлат рус тили ва адабиёти институтида ўқитувчиликдан бошладим. Шу вақтга қадар Тошкент давлат чет тиллар институтида, Тошкент давлат халқ хўжалиги институтида, Тошкент информатика ва ҳисоблаш техникаси колледжида ўқитувчилик ва маъсул лавозимларда хизмат қилиб келганман. 2004 йилдан буён Тошкент шаҳар Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Миробод туман Кенгаши раиси лавозимида ишлаб келмоқдаман.

–Нима сабабдан сиз айнан «Миллий тикланиш» партиясида ишлашни танладингиз?

Маълумки, ҳар қандай жамиятда миллий анъана ва урф-одатларнинг тарғиб қилувчиси, оммага етказиб-сингдириб берувчиси ва ҳимоячиси зиёлилар ҳисобланади. Мен ўзим зиёли бўлганлигим учун миллатнинг бугуни ва эртанги тақдирига бефарқ бўла олмайман. «Миллий тикланиш» демократик партияси тузилишида асосий ташаббускор гуруҳ сифатида зиёлилар қатлами чиққан эди. Шунингдек, партиянинг мақсади ва вазифалари Ўзбекистонда миллий қадриятларни ва ҳар бир халқнинг хусусиятларини ҳимоя қилиш, эъзозлаш ҳамда ёшлар онгига миллий ўзликни сингдиришда, ўстиришда ва шакллантиришда яқиндан ёрдам беришдан иборат. Шундай олийжаноб ишга қўл урган ушбу партия мени ўзига ҳар томонлама жалб этибгина қолмасдан, балки унинг сафида ўзимга ўхшаш ватанпарвар, миллатпарвар кишилар билан фаолият юритишга ундади.

– Роберт ака, партияга келганингиздан бери қандай ишлар амалга оширилди ва ошириляпти?

–Энг аввало, шуни айтиб ўтиш керакки, барча замон ва маконларда шахсни ва миллатни буюк қилган қудрат – уларни аниқ мақсадга сафарбар этувчи «эзгулик ва озодлик» ғояси бўлган. Сафимиздаги партиядошларим билан партиянинг омма орасида обрў-эътиборини кўтаришга қаратилган тарғибот ва тушунтириш ишлари кенг авж олиши учун баҳоли қудрат ҳаракат қилдик.

–Сизнингча, бугунги кунда жамиятимизга қандай кишилар зарур?

– Бугунги кунда бизнинг жамиятимизга янги замон, янги ҳаёт тамойилларини асосли равишда тушунтириб, одамларни эскича тафаккур исканжасидан озод этувчи, иродаси мустаҳкам, маънавияти юксак ҳамда амалий ишлари билан ишонч қозонадиган кишилар кўпроқ зарур.

М.КОМИЛЖОНОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши бош мутахассиси.

ҒАЛАБА МУБОРАК!

Республикамиз пахтакорлари 3 миллион 600 минг тоннадан ортиқ хирмон яратиб, йиллик режани уддаладилар.

Қўли қадоқ, кўнгли пахтадек оқ азиз пахтакорлар!

Бу йилги мавсумда эришган юксак ғалабангизни чин маънода жасорат деса бўлади. Ҳалол меҳнат қилиб уйган улкан «оқ олтин» хирмонларингиз халқимизнинг ризқи баланд эканлигидан дарак бериб турибди. Барчангизни бу меҳнат ғалабаси билан самимий табриклаймиз! Хонадонингиздан барака, ризқу насиба аримасин!



КОСОН ХИРМОНЛАРИ

Бухородан Қарши томон йўлга чиқсангиз, Муборакдан ўттач, Косон тумани келади. Туман марказига етаверишда чап томонда, атиргуллар чаман-чаман очилган майдонга нигоҳингиз тушади. Бу файзли жойда атиргулларнинг ўндан ортиқ хилини учратасиз. Атрофларида райҳонлар. Димоғингизга ажиб ҳид урилади. Атиргулзорлар орасида оппоқ пахта шакли туширилган фавворалар бор. «Косон пахта тозалаш» очиқ ҳиссадорлик жамиятига кираверишдаги гулзорлар оралаб ўтаётганларнинг юзларига беихтиёр самимият югуради...

Жамият раиси Мамаюсуф Маҳамадиевнинг суяги пахта тозалаш корхоналарида қотган десак, хато бўлмас. Пахтани қайта ишлаш технологияларини мукаммал биладиган мутахассис-раҳбар. Мана икки йилдирки, «Косон пахта тозалаш» ҳиссадорлик жамияти раиси. Ўзига нисбатан «сиз корхонага раҳбар бўлгач, туман икки йилдан буён режаларини ортиғи билан бажараётир, қадамингиз ёқди», дея қилинган илтифотларга у камтаринлик билан «бу – кўпчиликнинг меҳнати», деб қўяди.

Туман пахтакорлари ўтган йили режадаги 56 минг 400 тонна ўрнига 71 минг 322 тонна пахта етиштирдилар. Туман пахтачилиги тарихида бу муҳим воқеа бўлди. Ахир 71 минг тонна ўртамиёна учта туманнинг пахтаси деганикуку!

Йиллик режа 126 фоизга уддаланганди. Энг муҳими – пахта юқори навларга қабул қилинди.

– Хом ашё сифатли бўлса, тола миқдори ҳам юқори бўлади, – дейди жамият раиси Мамаюсуф ака. – Тола чиқиш миқдори 34,8 фоизни ташкил этди.

Ҳа, бу кўрсаткич ҳайратланарли. Ҳатто мамлакат миқёсида ҳам бу энг юқорилардан ҳисобланади. Корхонага янги технологиялар жалб этиш орқали тола ишлаб чиқариш таннархини камайтиришга эришилди. Пахта толаси сифати ҳам кескин ортди. Бу эса пахта толасини экспорт қилиш салоҳиятининг ортиб боришига ҳисса бўлиб қўшилди.

Жамиятда ўтган йили 320 миллион сўм соф даромад олинди. Энг қувончлиси, фойданинг асосий қисми – 220 миллион сўми ҳиссадорларга девиденд тариқасида берилди. Ўртача маошлар миқдори ҳам йил сайин ортиб бораётир. Илғор ишчилар ойига 125–130 минг сўмгача маош олишаётир. Воҳа шароитида бу маблағнинг миқдори жуда салмоқли.

Корхонада 827 нафар ишчи, техник ходимлар меҳнат қилади. Уларнинг 101 нафари аёллар. Смена усталари Зокир Шоймардонов, Давр Назаров, Муҳиддин Саиднабиев, Жумақул Холниёзов, ишлаб чиқариш бошлиғи Маҳмадёр Қўйдонов, бош механик Бахшилло Худойбердиев, кадрлар бўлими бошлиғи Мақсуда Назарова, ишлаб чиқариш ҳисобчиси Майрам Холмуродова, бош ҳисобчи ёрдамчиси Гулзора Тўхтаевалар ўзларининг намунали меҳнатлари билан корхона ютуқларига муносиб ҳисса қўшаётир. Уларга яратилган шароитлар ҳақида узоқ ёзиш мумкин.

Биз корхонада бўлган кунимиз янги қурилаётган уруғлик цехининг монтаж ишларини кўздан кечириш мақсадида пойтахтдан – «Ўзпахтасаноат» уюшмасидан мутахассислар келишган экан. Уларнинг айтишларича, ҳадемай уруғлик цехи ишга туширилади. Цехга Испаниядан келтирилган ускуналар ўрнатилади. Йилига 4 минг тонна чигитни саралаб, дорилаб бериш қувватига эга бу цехнинг қурилиши жуда муҳим. Келгуси йили Косон, Касби, Миришкор, Муборак тумани пахтакорлари уруғликни шу ердан олади.

Иқтисодий нуқтаи назардан олиб кўрсак, бир килограмм оддий чигитнинг нархи 38 сўм бўлса, бир килограмм уруғлик чигитники навларига қараб 510–600 сўмгача туради. Бу ёғини ўзингиз ҳисоблайверинг!

Корхона қошидаги пахта қабул қилиш пунктида туман пахта штаби жойлашган. У ерда биз туман ҳокими Сайфулло Азизовни учратдик. Туман пахтакорларининг ғалабаси билан қутладик. Аллақачон режалар уддаланган бўлишига қарамай, кунига туман бўйича 1000–1100 тонна пахта топширилаётир.

– Бу йил туман пахтакорлари, фермерлари жуда қаттиқ тер тўкишди, – дейди Сайфулло Азизов. – Режамиз 59 минг 900 тонна эди. 60 минг тонна фақат биринчи навга сотилди. Насиб бўлса, умумий хирмонни 75 минг тоннага етказмоқчимиз. Шунга яраша далаларда ҳосил бор.

Хирмонингизга барака, азиз пахтакорлар!

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Миллий тикланиш» махсус мухбири.
Суратда: Хиссадорлик жамияти раиси Мамаюсуф МАҲАМАДИЕВ.

ИЛЛАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ

ҚОНУН ВА ИЖРО

Мамлакатимиз демократик қурилиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидан дадил қадамлар билан ривожланиб бормоқда.

Кўп миллатли Ватанимиздаги тинчлик ва барқарорлик, миллатлараро тотувлик муҳити бизнинг беқиёс бойлигимиздир.

Мамлакатимиз ҳудудининг яхлитлиги, чегаларининг дахлсизлиги ва суверенитетини, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ишончли ҳимоя қиладиган тезкор, замонавий, қудратли Қуролли Кучларимизда ислоҳотлар ўтказилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг умумий ҳарбий мажбуриятни бажариш ва ҳарбий хизматни ўташи билан боғлиқ муносабатларни тартибга солувчи «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғриси-да»ги Қонуни 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган бўлиб, унда умумий ҳарбий мажбурият фуқароларни ҳарбий хизматга тайёрлашни, ҳарбий хизматга чақиришни, чақирув ёки контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташни, резервдаги хизматни, муқобил хизматни, ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларига риоя этишни, фавқулодда вазиятларда ёки Ўзбекистон Республикасига қарши ҳарбий тажовуз бўлган тақдирда аҳолини муҳофаза этиш чора-тадбирлари белгилаб берилган.

Демакки, ҳушёрлик халқимиз ва армиямизга хос фазилатдир.

«Ҳушёрлик, огоҳ бўлиб яшаш – бу бир кунлик ёки бир ойлик мавсумий масала эмас, балки кундалик иш, кундалик амалий ҳаракат бўлиши лозим» – деган эди Президентимиз. (Ислом Каримов. «Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак.» 10-т. Тошкент – «Ўзбекистон» – 2002 й. 121-бет).

(Давоми 2-бетда).

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ГАЗЕТАСИГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

2006 ЙИЛ ОБУНАСИ

«Миллий тикланиш» газетасига «Ўзбекистон почтаси», «Матбуот тарқатувчи» бўлимлари, «Миллий тикланиш» демократик партияси вилоят, шаҳар, туман кенгашлари орқали обуна бўлиш мумкин.

«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» ИНДЕКСИ: 158

ЎзМТДП вилоят ва туман кенгашлари, партия фаоллари ва хайрихоҳлари, муштарийларимиз диққатига!

«Миллий тикланиш» газетасига 2006 йил учун обуна уюштиришда қатнашиб, туман кенгашлари ва фаоллари, хайрихоҳлари, муштарийлари йиллик обуна миқдорини 50 донадан, вилоят кенгашлари эса 200 донадан оширса ташкил қилган жами обунаси учун ҳар дона газетага 750 сўмдан мукофот пули берилади.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши «Миллий тикланиш» газетасига жойларда обуна уюштириш, унинг мазмундорлиги ва мундарижасини бойитишга катта ҳисса қўшган партиянинг вилоят кенгашларини йил якунида алоҳида қимматли совғалар билан тақдирлайди.

ГАЗЕТАМИЗ САФАРДА

ЖОЙЛАРДА «МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ» КУНЛАРИ

«ЯЛЛАМА»ДА

Бу йилги пахта мавсумида Чиноз тумани пахтакорлари улоқни олиб кетдилар. Йиллик режани биринчи бўлиб, 7 октябрда бажардилар. Ҳозирги кунгача 21 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини уйдилар. Шундан қарийб 1000 тоннасини ЎзМТДПнинг Чиноз туманидаги аъзолари териб, эл хирмонига салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Чиноз туманининг «Яллама» қишлоғи ҳудудидаги Қолдибой Шаропов раҳбарлик қилаётган ширкат хўжалигида пахта тераётган туман марказий шифохонаси жамоасининг 700 нафар «Миллий тикланиш» партияси аъзолари ўринбосари Мукамбар Азимовалар чин дилдан табрикладилар.

Теримда ғайрат кўрсатаётган тиббиёт ходимларига Азимбек Исоқов Чиноз тумани ҳокимлиги томонидан мавсум илғорлари учун ажратилган гилам, телевизор сингари бир қанча муковфотларни топширди. Муковфотланганлар орасида Эркин Қўзиев, Гуля Абдулова, Ҳалима Норматова, Зулфия Тожиева сингари илғор теримчилар бор.

Шунингдек, шифохонанинг бир қатор бўлимларига ҳам алоҳида қимматли совғалар топширилди, пул мукофотлари берилди.

Биз меҳнатга чанқоқ, ўз ишида омилкор, фидокор тиббиёт ходимлари билан далада, терим қайнаган паллада учрашиб, юрагимиз уларнинг меҳнат завқи билан тўлди. «Миллий тикланиш»чиларнинг ҳар бири ўз жабҳасида фаровонликка катта ҳисса қўшаётганликларидан бошимиз осмонга етди.

. . .

ЎзМТДПнинг Тошкент вилоят кенгаши худди шундай тадбирни Бўка туманининг Кўкорол қишлоғида ҳам ўтказди.

Учрашувда шу яқин-атрофдаги пахтазорларга ҳашарга чиққан Ангрен педагогика институтининг талабалари ҳам иштирок этишди. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг вилоят кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда йиғим-терим мавсумида илғорлик қилаётган талабаларни тақдирладилар. Шоира Озода Бекмуродова, хонанда Раъно Ўрозалиевалар ҳам ўз дил сўзларини шеърлари, қўшиқлари билан айтиб, тадбирга файз киритишди.

«Кўкорол» ширкат хўжалиги ҳудудида жойлашган фермер Абдутолиб Абдусалом ўғли ҳам илғор теримчиларга совғалар топширди.

Мукамбар АЗИМОВА

«ЭШОНОБОД» НАМУНАСИ

Пахтачиликда энг муҳими эртаки ва мўл ҳосил етиштиришдир. Ана шу нарсани яхши англаган чиноэлик уста пахтакорлар кейинги йилларда вилоятда биринчиликни қўлдан бермаяпти. Бу йил Тошкент вилояти Чиноз туманининг пахтакор деҳқонлари давлатга 20 минг тоннадан зиёд «оқ олтин» етказиб бериб, 22 иш кунида шартнома режаларини ошириб уддалашди. «Миллий тикланиш» газетаси вакиллари пахтакорларни бу меҳнат ғалабаси билан қутлаб, тумандаги меҳнат илғорлари билан учрашдилар.

Туманда пахтачиликда ўзига хос тажриба мактаби яратилган. Бу мактабнинг асосини чигитни эрта экиш, ғўзани ўз вақтида парваришлаш ва ҳосилнинг 80 фоизини очилтириб териб олиш ташкил этади. Бундан ташқари, йиғим-терим мавсумидаги уюшқоқлик ҳам ютуқларнинг гарови бўлмоқда. Теримга 14 минг нафар теримчи жалб қилинди. Соҳадан шу барақали йилда 6 миллиард сўм атрофида даромад ишлаб топилаётир. Бу ўтган йилгидан 600 миллион сўм кўп дегани. Даладаги ҳосил ҳам йиғиб-териб олинса, ширкат ва фермер хўжаликлари қўшимча 84 миллион сўм даромад топиши башорат қилинмоқда.

«Эшонобод», «Дўстлик», Навоий номли ширкат хўжаликлари шу кунгача режани 115-135 фоизга етказиб бажардилар. Тумандаги «Эшонобод» ширкат хўжалиги деҳқонлари пахта тайёрлаш йиллик шартномавий режасини 9 иш кунида, вилоят хўжаликлари ичида биринчи бўлиб бажарган эди. Биз хўжаликдаги иш жараёни билан яқиндан танишишга киришдик.

Хўжалик марказидан ўтувчи кенг асфалт йўлда пахта қабул қилиш омборига йўл олган «оқ олтин» карвонини учратдик. Йўл четидаги тутқаторлар ортидаги пахтазорларда эса юзлаб теримчилар қуёшли кунлардан унумли фойдаланиб қолишни ўйлаб меҳнат қилишмоқда. Ҳамма ўз иши билан банд.

Хўжаликда 13 сентябрда пахта терими бошланган экан. 21 сентябргача бўлган муддат ичида мавжуд 400 гектар пахта майдонидан 1000 тонна ҳосил йиғиб-териб олинибди. Албатта, бундай ютуққа эришиш ўз-ўзидан бўлмайди. Йил бошиданоқ ишни яхши ташкил қилиш, пахта йиғим-терими мавсумида ҳам уюшқоқликни қўлдан бермаслик керак. Бундай ишларда ўзига хос тажрибага эга бўлган, кейинги йилларда биринчиликни қўлдан бермаётган хўжалик раҳбарини суҳбатга тортдик.

—Бу йил ҳар йилгидан ҳам мўл ҳосил етиштирдик,— дейди биз билан суҳбатда «Эшонобод» ширкат хўжалиги раиси Кенбой Кукку-зов.— Шартнома режаси бажарилган кундаги гектар-лар ҳосилдорлиги биринчи теримдаёқ 25 центнерданга тўғри келди.

Лекин ҳали ҳосилнинг катта қисми далаларда. Режани бажарган кунимиздаги ҳисобга кўра 400 гектар майдоннинг 100 гектардан ортиғида биринчи терим ҳосили бор эди. Демак,бугун ҳам хўжалигимизда пахта терининг энг қизғин палласи давом этмоқда.

«Эшонобод» пахтасининг катта қисми — 800 тоннаси уруғлик учун тоширилади. Шу боис асосий иш жараёнини қўл терими ташкил этади. Хўжаликдаги 11та пахтачилик бригадаларининг ҳаммасида ҳам етиштирилган ҳосилни олий навларга топширишни кўзлаб меҳнат қилинаётганига гувоҳ бўлдик. Нурбек Исматов, Абдумалик Азизов, Эдил Бойжигитовлар бош пудратчилик қилаётган жамоалар биринчилардан бўлиб йиллик маррани эгаладилар. Бунда, албатта, илғор теримчиларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Санобар Мамадалиева, Ўрозали Исоқов, Обид Фозиловлар кунига 130 килограммдан, Тўлғаной Тожиева эса бир кунда 170 килограмм «оқ олтин» теришди. Иқбол Ботирова, Ҳаётхон Камолиддиновалар ҳам улардан қолишмайди.

Ҳалол меҳнат, оқиллик билан қилинган иш доимо ўз самарасини беради. «Эшонобод» деҳқонларининг ҳар йилги даромадлари ҳам меҳнатларига яраша бўлаётган экан. Бош ҳисобчи Эрназар Саидхўжаевнинг хомчўтларига кўра хўжалик бу йил пахтачиликдан 482 миллион сўм миқдорида умумий даромад қилади. Улар уруғлик пахта учун 50 фоиз қўшимча ҳақ оладилар. Демак, асосий ҳосилнинг ҳар тоннаси учун 297 минг сўм эмас, 445 минг сўмдан хўжалик ҳисоб рақамига келиб тушади.

Ана шу даромадлар ҳисобига оилавий пудратчилар ҳаёти фаровонлашмоқда, янги техникалар олинмоқда. Кейинги икки йил ичида «Эшонобод»лик деҳқонлар ишини енгиллатиш учун 6та ҳайдов, 8 та чопиқ, 4 та транспорт тракторлари, 25 та янги тележкалар сотиб олинди.

Туманда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда.

Гулбаҳор ОРТИҚХЎЖАЕВА
Абдужалол РАҲИМОВ
олган суратлар.

ИЛЛАТНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ МУҲИМ

(Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг иш режасига асосан жорий йилнинг биринчи ярмида Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан Қорақалпоғистон Республикасида «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонуннинг ва Бухоро вилоятида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича назорат-таҳлил фаолиятини ўтказиш режалаштирилган эди.

Назорат-таҳлил давомида Қорақалпоғистон Республикасида чақирув ёшига етмаганлар ва чақирилувчилар билан чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик ишларини олиб борилишига алоҳида эътибор берилиб, ўспиринларни чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарликдан ўтказиш, чақирилувчиларни ҳарбий-техника ихтисосликлари бўйича ва жисмоний жиҳатдан тайёрлаш, уларнинг умумий ҳарбий таълим савиясини ошириш ва уларда ҳарбий ўқув юртларига кириш иштиёқини кучайтириш, ёшлар ўртасида даволаш-соғломлаштириш тадбирларини ўтказиш билан боғлиқ ишларни талаб даражасида амалга оширишга ҳаракат қилинмоқда.

Хусусан, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши, «Нуроний» жамғармаси, «Маҳалла» жамғармаси, «Маънавият ва маърифат» маракази ва Хотин-қизлар қўмитаси томонидан «Ватан — она каби муқаддас», «Амир Темур авлодлари», «Ёш мерганлар», «Сен хизмат қилаётган ўлка» мавзуларида ўтказилган тадбирлар, Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси томонидан «Ватанимга хизмат қиламан», «Аскар мактуби» телекўрсатувларининг олиб борилиши, Қорақалпоғистон Республикасида чоп этилаётган «Аму тонги», «Еркин Қорақалпоғистон», «Вести Каракалпагистана», «Устоз», «Қорақалпагистон ёшлари» газеталарида ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга бағишланган 56 та турли мавзуларда мақолалар чоп қилинган.

Қорақалпоғистон Республикасида чақирувгача ёшда бўлган ўсмирларни тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш ишларини йўлга қўйишда ҳам бир мунча тизимли ишлар амалга оширилган. Шу муносабат билан Нукус шаҳрида Республика ўсмирлар маркази ташкил қилинган.

Ўсмирлар орасида даволаш ишларини ҳамда тиббий ёрдам сифатини яхшилаш учун олтита туман марказий шифохоналари базасида ўсмирлар бўлимлари ташкил этилган.

Чақирилувчиларни стационар даволаш ва текшириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Республика профилактик-даволаш муассасалари ва туман марказий шифохоналарида 175 ўрин ажратилган.

Жорий йилда «Олот-5» божхона пости орқали Саудия Арабистонига Қирғизистоннинг қалбаки паспортлари билан бориб келаётган Ўзбекистон фуқаролари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Ҳар йили чақирув ва рўйхатга олиш тиббий комиссияларининг фаолияти бошланишидан олдин барча шаҳар, туман чақирув комиссиялари аъзолари билан тиббий-йўриқнома йиғилишлари ўтказилган.

Ишчи гуруҳ ёшларни чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлиги бўйича қатор камчиликлар борлиги аниқлади. Жумладан, чақириққача ёшларни тайёрлаш фани ўқитиладиган 593 та ўқув муассасаларидан 337 таси тўлиқ ўқув-модий базасига эга эмаслиги қайд қилинди.

Шуманай, Қонликўл, Кегейли ва Беруний туманлари Халқ таълими бўлимлари томонидан ёшларни чақирувга қадар бошланғич ҳарбий тайёргарлик тадбирларига етарли даражада аҳамият берилмаётганлиги маълум бўлди.

Ҳарбий билим юртларига юборилган 170 нафар номзодларнинг жисмоний ҳарбий тайёргарлик бўйича зарур нормативларни топшира олмаётганлиги қайд қилинди.

Парламентнинг ишчи гуруҳи ўсмирлар шифокори ўрнини тўлдириш, соғломлаштирилиши керак бўлган ёшларни диспансер назоратига олиш ва уларни соғломлаштириш ишларини талаб даражасида бўлишини таъминлаш мақсадида, амалий ёрдам бериш учун тегишли муассасаларга мурожаат қилди.

Бугунги кунда бутун инсониятнинг ҳаётига таҳдид солаётган энг катта хавф терроризмдир. Дунёда рўй бераётган воқеалар терроризмга қарши кураш бир кунлик ёки бир ойлик эмаслигини кўрсатиб турибди.

Халқимиз терроризмдан қанча жафо чекканини, ўн гулидан бир гули очилмаган, ҳаётдан орзу-умиди кўп бўлган не-не навқирон ёшларимизнинг ҳалок бўлганини ҳеч қачон унутмайди. Шундай экан, терроризмга қарши кураш соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш, шахс, жамият ва давлатнинг терроризмдан хавфсизлигини таъминлаш, давлатнинг суверенитетини ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш, фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувликни сақлаш мақсадида 2000 йил 15 декабрда Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинди.

Ушбу Қонунда терроризмга қарши курашнинг асосий принциплари ва террорчилик фаолиятининг олдини олиш бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган.

Парламентнинг ишчи гуруҳи Ўзбекистон Республикасининг «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунининг Бухоро вилоятидаги ижросини 2005 йил 6-8 июн кунлари ўрганиб чиқди. Ушбу Қонун ижроси бўйича Бухоро вилоят МХХБ ходимларининг, Божхона бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси «Маҳалла» хайрия жамғармаси Бухоро вилоят бўлимининг ишлари эътиборга лойиқ.

Қонуннинг ижроси бўйича МХХ идоралари бир қатор ишларни амалга оширган. Бу ташкилот терроризмнинг келиб чиқишига замин яратувчи диний ақидапарастлик ва диний экстремизм каби омилларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар ишлаб чиққан ва амалга оширмоқда. Шу пайтгача турли мавзуларда 400дан ортиқ умумий профилактик тадбирлар ўтказилган. Республика ҳудудига кириш қоидаларини бузган фуқаролар аниқланиб, уларга нисбатан маъмурий чоралар кўрилиб, ҳудуддан чиқариб юборилган. Жорий йилда «Олот-5» божхона пости орқали Саудия Арабистонига Қирғизистоннинг қалбаки паспортлари билан бориб келаётган Ўзбекистон фуқаролари аниқланиб, тегишли чоралар кўрилган.

Бухоро вилоят МХХ бошқармаси томонидан террорчилик фаолиятининг олдини олиш, аниқлаш ва унга чек қўйиш бўйича амалга оширилган тадбирлар давомида вилоят ҳудудида номаълум сабабларга кўра яшаш манзилидан узоқ муддатга чиқиб кетган, яшаш манзили аниқ бўлмаган шахслар аниқланган. Уларнинг маълум қисми мамлакатимизга қайтарилган ва белгиланган тартибда огоҳлантирилган ҳамда назоратга олинган.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Бухоро вилоятида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси бўйича ўтказилган якуний йиғилишда Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳ аъзолари вилоятда қонуннинг ижроси бўйича йўл қўйилаётган хато ва камчиликларни, эътиборсизликларни кўрсатиб берди.

Бухоро вилоятида «Терроризмга қарши кураш тўғрисида»ги қонуннинг ижросига масъул бўлган барча ташкилот раҳбарлари билан бирга республика ИИВ, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Божхона хизмати, МХХБ, прокуратура ходимлари билан биргаликда камчиликларни бартараф қилиш учун келгусидаги вазифаларни белгилаб олишди.

Дарҳақиқат, бугунги шароит барчамиздан янада сезгир, огоҳ ва ҳушёр бўлишни талаб қилади. Зеро, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 52-моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш — Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир», деб бежиз белгилаб қўйилмаган.

Умид ИСМОИЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутати,
Мудофаа ва хавфсизлик масалалари Қўмитаси аъзоси

КЕЛИНГ, СОФ ЎЗБЕКЧА ГАПЛАШАМИЗ

Ҳар бир инсоннинг маданий, маърифий ва маънавий савияси унинг ўз она тилини нақадар мукаммал билиши билан белгиланади. Зеро, тил нутқ, тафаккур ва ақл билан бирга уни ҳайвонот дунёсидан устун эканлигини кўрсатади.

Ўзбек тили дунёдаги энг кўҳна ва энг гўзал тиллардан бири саналади. Соф ўзбекча нутқ, соф ўзбекча калом, соф ўзбекча лутфни эшиттанимда шунчалар яйраб кетаманки...

Мен «соф ўзбекча» деган сўзга қайта-қайта изоҳ бериб айтаётганимга сабаб, ҳозирда соф ўзбекча гапирадиган одамни топиш мушкул. Хоҳлаймизми, хоҳламаймизми сўзимизга бирорта русча ёки жаргон сўз қўшиб гапиришга одатланганмиз.

«Ўткан кунлар» романини ўқимаган киши борлигига шубҳа қиламан. Номи ўзбек борки, бу китобни албатта ўқиши шарт деб ўйлайман. Кимга қандай билмадиму менга китобдаги соф ўзбекона самимиятта, андишага йўғрилган лутфлар ёқади.

«...— Баъзи юмушларни буюрсам...

— Буюрингиз, ўғлим.

—Раҳмат, ота, бўлмаса бизга чой қайнатиб беринг-из-чи!

— Хўп, бегим.

Ҳасанали чиқди. Раҳмат Отабек билан яна бир қайта соғлиқ сўрашгандан кейин сўради:

— Бу киши кимингиз бўладир, бек ака?

Отабек Раҳматнинг саволига жавоб бермай, эшикка қаради. Ҳасаналини ҳужрадан узоқлатиб, сўнгра жавоб берди:

— Қулимиз.»

Ёки

«...— Ўғлим, ҳали сен эшитдингми, йўқми, ҳайтовур биз сенинг устингдан бир иш қилиб қўйдик...

Отабек маълумки, уларнинг «қилиб қўйган ёки қилмоқчи бўлган ишларини» албатта билар эди. Шундай бўлса ҳам билмаганга солинди:

— Ақлли кишиларнинг ўғиллари устидан қилган ишлари албатта номаъқул бўлмас,— деди.»

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилганига 16 йил бўлаяпти. Бу дегани ўша йили туғилган гўдак 16 ёшга кириб, оқ-қоранинг фарқига борадиган бўлиб қолди. Лекин ҳали-ҳануз баъзи жойларда давлат тилига эътиборсизлик билан қаралаётгани ҳақида куйинчаклик билан ёзилган бирор мақолага кўзимиз тушиб қолади ёки бундай ҳолатга ўзимиз гувоҳ бўламиз.

21 октябр — Давлат тили куни

«Тил билган эл билади» деган гап бор халқимизда. Қанча кўп тил билсак ўзимиз учун шунча яхши. Лекин ўша кўп тилларни билишдан олдин ўзимизнинг она тилимизни, ота-боболаримиз, аждодларимиз сўзлашган, минг йиллардан буён сайқалланиб, авайлаб-асраб бизгача етказган тилимизни мукаммал эгаллаб олсак яхши бўларди.

Шундай оилаларни биламан, ота ўзбек, етти пушти ҳам ўзбек, она ўзбек, етти пушти ҳам ўзбек, Ўзбекистонда яшайди, қўни-қўшнилари ҳам ўзбек, лекин ўзбекча гаплашишмайди, фарзандлар ўзбекча гапиришни ёки билмайдилар, ёки хоҳламайдилар.

Яқинда ойнаи жаҳонда эстрадамиз юлдузлари бўлган қизлар билан суҳбатни кўриб қолдим. Қизлардан биттаси ўзбекча гапиришни бир нави эпларкан, қолган иккитаси бирор оғиз ҳам ўзбекча гапирмади. Назаримда, улар бундан заррача хижолат бўлаётганлари ҳам йўқ. Эътибор қилган бўлсангиз, ота-оналари ҳам Ўзбекистонда туғилган, бир умр ўзбеклар билан бирга яшаб, ишлаб келаётган руслар ўзбекча гапирмайдилар, ўзбекча мурожаат қилсангиз, тушунмаганларини билдирадилар ва сиз уларга русчалаб тушунтиришга мажбур бўласиз. Майли, биз бағри кенг халқмиз, русча тушунтириш бўлса, русча тушунтириш-да, ахир улар ўзбек эмас-ку, деб ўзимизни юпатамиз. Лекин ўзбек бўлатуриб бирор оғиз ўзбекчани билмаслик, бундан ҳеч хижолат бўлмаслик... қани бу ерда миллий ғурур? Қани бу ерда соф ўзбекча ориятмиз?

Франциялик меҳмон Ўзбекистон ҳақидаги тасаввурларини ўзбек тилида изҳор этди. Тўғри, у ўзбек тилида мукаммал гапира олмасди, лекин ҳаракат қилиб фикрларини баён этди.

Корейс миллатига мансуб Сунам ака деган киши билан бирга ишлайман. Мен у кишини жуда ҳурмат қиламан. Сабаби, Сунам ака ўзбек тилида жуда равон гапиради. Агар бирор киши унга русча гапирса ҳам ўзбекча жавоб қайтаради. У ўзбек тили давлат тили эканлигини яхши билади, ўзбекча гапиришни Ўзбекистонда яшаб, нону тузини тотиб юргани учун ҳурмат деб билади.

Турли сабабларга кўра дунёнинг турли бурчакларида яшаётган ўзбеклар бор. Масалан, Америкада, Туркияда, Саудия Арабистонида гувоҳ бўлган кишиларнинг айтишича, ўзбек тили, ўзбекча урф-одатлар уларда қандай бўлса шундайлигича сақланиб қолган экан. Оила даврасида ҳам фақат ўзбекча гаплашишар экан. Демак уларда ўзбек эканлигидан фахрланиш ҳисси, миллий ғурур бор.

Турғунлик йилларида бизнинг динимизга, эътиқодимизга ва ҳаттоки тилимизга кўп бора тажовуз қилинди. Мустақиллик деган илоҳий неъмат бизга йўқотганларимизни қайтариб берди, ўзимизни, ўзлигимизни англаб етишга имкониятлар яратди.

Келинглар, азизлар, соф ўзбекча гапиришни ўрганамиз. Зораки, бизнинг бу ҳаракатимиздан шу эл, шу халқ деб жонини тиккан юртдошларимизнинг руҳи поклари шод бўлса.

Асолат АҲМАДҚУЛ қизи

АФЮНФУРУШ МАККОРАЛАР



Бел оғритмай пул топиш илинжи инсонни не-не қабиҳликларга қўл уришгача олиб боради. Гиёҳвандлик оқибатида покиза жуфти ҳалолини бадбахт қилаётганлар, бегуноҳ гўдакларнинг майиб-мажруҳ туғилишига сабаб бўлаётганлар, одамларни ҳидоят ўрнига залолатга етаклаётганлар, меҳр-саховат ўрнига кишиларга жабр-ситамлар кўрсатиб, шайтоний лаъин васвасаларига учаётганлар сони кўпайиб бораётгани жуда ачинарли ҳол. Гиёҳвандлар орасида аёллар, қариялар, ҳатто ўсмирларнинг сафи кенгайиб бораётгани жуда ташвишли. Гиёҳвандлик воситалари олди-сотдиси билан шуғулланаётган, аёл деган муқаддас номга доғ тушираётганларга нима дейсиз? Улар соттан оғу кимнингдир жигарбандини заҳарлайди. Кимнингдир гулдай умрига завол бўлади. Бу тубанликдан бошқа нарса эмас. Бундай жирканч иллат катта-катта шаҳарлардан анча узоқлардаги туманларда ҳам пайдо бўлгани кишини ўйлантирмай қолмайди.

Олотлик овсинлар Маталаб Қобулова, Ғулнора Эргашевалар гиёҳвандлик моддаларини қонунга хилоф равишда сотиб олиб, ноқонуний фойда кўриш мақсадида қайта сотиш тўғрисида ўзаро тил бириктиришади. Ҳатто улар ўз уйларида бангихона ташкил этишади. Гиёҳвандлардан бири Камол Холмуродов нафсини қондириш учун овсинлар хонадонига «ташриф» буюради. У икки ярим минг сўмга героин сотиб олади ва ўша жойда инъекция — томирига укол қилади. Холмуродов «доза»ни ошириб юборган эди. Героин ўз кучини кўрсата бошлайди, унинг аҳволи ёмонлашади. Ҳаёти хавф остида қолади. Овсинларнинг эса парвойи палак. «Мижоз»га ёрдам бериш, тез ёрдам чақириш имконияти бўлса ҳам, улар бефарқ эди. Вақтида ёрдам кўрсатилмагани оқибатида фожиа содир бўлади — Холмуродовнинг жони банги хонада узилади.

Афлотуннинг «Бир жиноят иккинчисига йўл очади», деган ҳикмати нақадар ҳақ. Қабиҳлик шу даражага етадики, бир томонда Холмуродовнинг жасади ётибди-ю, бир томонда яна бир «мижоз» Шавкат Чўллиев икки ярим минг сўмга сотиб олган героинни ўзига укол қилади. Кўр кўрни қорон-ғида топади. Аччиқ бўлса ҳам топиб айтилган гап. Овсинлар ҳузурига яна бир банги — Ўктам Сапаров қийшайиб кириб келди. Маккора овсинлар гиёҳвандларнинг ҳар бирига бир ўрамдан героин «тортиқ» этиб, эвазига Холмуродовнинг жасадини яширишда ёрдам сўрайди. Улар жасадни туман ҳудудидан оқиб ўтувчи Аму-Бухоро каналига ташлаб юборишади. Шу тариқа жиноят изларини яширмоқчи бўлишади. Аммо қинғирликнинг қийиғи чиқиб, жиноятчилар фош этилди.

Милиция ходимлари томонидан ўтказилган тинтув пайтида Матлаб Қобуловнинг хонадонидан кўп миқдорда сақланаётган героин топилади. Унинг овсини Гулнора Эргашева аввал ҳам жиноят содир этиб судланган бўлишига қарамай, тўғри йўлни танламади. Яна жиноят кўчасига кирди. Алалоқибат, ҳар икки овсин суднинг қора курсисига юзи қора бўлиб ўтирдилар. Улар суд ҳукми билан турли муддатларга озодликдан маҳрум этилди. Ҳар икки овсиннинг уч нафардан воя етмаган, беғубор ёшлиги афюнфуруш онаю, бангилар даврасида ўтаётган болаларининг тақдири нима бўлади, энди? У бечоралар она меҳрини қачон туяди? Уларнинг тарбиясига ким жон куйдиради? Бу саволларга жавоб... йўқ.

Яна бир карра эслатмоқ жоизки, жиноят қилиб орттирилган пул ҳали ҳеч бир кимсанинг ҳаётига хайру халос келтирмаган. Гиёҳвандлик эса миқёси йўқ шундай бир ижтимоий хатарки, унинг домига тушган ҳеч бир кимса омон чиқа олмайди. Ҳа, бу аччиқ, аммо айни ҳақиқат.

Алишер ҲАИТОВ,
Олот тумани прокурори,
I даражали юрист

ПАРТИЯ НАШРЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Яқинда Фуқаролик жамиятини ўрганиш институтида «Партия матбуотининг муаммолари» мавзуига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди.

Йиғилишда партиялар Марказий кенгашларининг матбуот котиблари, партия нашрларининг бош муҳаррирлари ва мухбирлари, партияларнинг матбуот ишлари бўйича масъуллари ҳамда ФЖЎИнинг ходимлари иштирок этишди. Бугунги кунда фаолият кўрсатаётган бешта партиянинг нашрлари бўлган ҳар бир газетанинг мазмун-мундарижалари алоҳида таҳлил қилинди. Эришилган ютуқлар ва ечимини топмай ётган муаммолар ҳақида йиғилганларнинг фикр-мулоҳазалари тинглади. Кейинги пайтда партия нашрлари фақатгина партия фаоллари ишини ёритиш билангина чекланиб қолаётганига урғу берилди. Бундан ташқари, ушбу нашрларда тезкорлик етишмаслиги, танқидий руҳдаги, муаммоли мавзулардаги мақолаларнинг камлиги, маркетинг тизими йўлга қўйилмаганлиги мазкур нашрларнинг оқсаб қолаётгани, газеталар ўзининг хос муштарийлари учунгина хизмат қилаётганлиги умумий камчилик, деб эътироф этилди.

Шунингдек, йиғилишда ихтисослашган журналист кадрлар тайёрлаш жуда долзарб масала бўлишига қарамай бу муаммо ҳали ечимини топгани йўқлиги алоҳида таъкидланди. Шундай баҳс-мунозарали йиғилишлар, таҳлилий учрашувларни ўтказиб туришга келишиб олинди.

Ўз мухбиримиз

ЖАНУБИЙ КОРЕЯ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

Мамлакатимизда Корея республикасининг маданияти кунлари бошланди. Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Корея Республикаси маданияти кунларининг очилишига бағишланган тадбирда ижодкорлар, талаба-ёшлар, юртимиздаги дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Бир ҳафта давом этадиган Корея республикаси маданияти кунлари доирасида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Давлат академик катта театрида ўзбек-корейс опера санъаткорлари концерти, корейс киноси фестивали ҳам ўтказилади.

Яширин агентнинг ҳаёти

ЎСАРҚУЛНИНГ СИРИ

Ҳамдам СОДИҚОВ

У терговчига ўтирилди.

—Эҳ, Оғабеков! Қачон ақл киради сизларга! Қўйиб берса ўз одамларимизни ҳам душманга чиқариб юборасизлар. Танишиб қўйинг. 1917 йилдан Фавқулодда Комиссияда ишлаётган қаҳрамонимиз бу. «Жўра», «Ишчи» тахаллуслари қўйилган ахборотларга кўзингиз тушганми?

—«Жўра» ва «Ишчи» шу кишими? Билганда қандоқ! Лекин улар икки одам деб юрардим.

Терговчи ажабланиб жойида туриб қолди.

—Яқинда Марҳамат районидаги Тешабой тўдасини тугатган кимлигини биласизми?

—Йўқ, —довдираб қолди терговчи.

—Ўтган йилда бутун районни безор қилган Тешабойни яккама-якка олишувда Ўсарқул ўлдириб, бошини олиб келган менга...

Поляков кулиб операцияларни санаган сари терговчининг кўзлари мошдек очилиб борарди.

—18 та катта-кичик қўрбошини шахсан ўлдирган қаҳрамонимизни қандай кўйга солдингиз, Оғабеков?

—Ҳеч ақлим бовар қилмайди. Киши шундай ҳам ниқобланадими?

Поляков анқайиб қолган терговчини хонасида қолдириб, Ўсарқулни ўзи билан олиб кетди. Машинада улар ўзаро қизғин суҳбатга берилиб кетишди.

—Сени Тошкентга чақиришяпти, Ўсарқул. Муҳим топшириқ бор.

—Қандай топшириқ? —қизиқсиниб сўради Ўсарқул.

—Мутлақо махфий!

Поляков унинг елкасига қўлини ташлади.

—Кечир, дўстим. Кўп озор чекибсан. Кейин, берган ваъдамни бажаролмадим. Эсингдами, деҳқончиликка қайтаринглар мени, деганинг? Кўрдингми, совхозда ишлашингга ҳам қўймади НКВД тушмагур.

—Тақдири азал деб шуни айтадилар. Ўсар понсодлик пешонамга ёзилган экан.

Поляков шодон қиёфада елкасига уриб қўйди.

—Лекин биз ғалаба қилдик, Ўсарқул. Социализм ғалаба қозонди. Ўртоқ Сталин Конституциясида бу ғалаба ёзиб қўйилди, дўстим.

Поляков тинмай гапирар, аммо Ўсарқулнинг хаёлида бошқа бир ўй-фикр ғужғон ўйнарди. Оғабеков, Оғабеков... қаерда эшитган эди бу фамилияни?

—Кечирасиз, ўртоқ Поляков. Бу Оғабеков подшо замонида ким эди?

—Оғабековми? Собиқ подшо офицери. Штабс-капитан. Андижонда пристав бўлган. Тажрибали мутахассис, лекин эски замондаги одатларини сира-сира унутолмайди, занғар...

Ўсарқул ичидан сесканиб кетди. Бу ахир ўша, устози нафрат билан тилга олган Оғабеков экан. Кароматли эшон Муҳаммадалини тутиб берган жазо отряди бошлиғи! Қизиқ, қандай қилиб бу одам инқилоб виждони бўлган ташкилотда ишлаяпти?

—Нимани ўйлаб қолдинг, Ўсарқул?

Поляков унда қандайдир ўзгариш содир бўлганини пайқади.

—Тақдири азал... Қилмиш-қидирмиш.

Ким айтган эди? Қозоқбойми? Ё устозими? «Чарм камзулли кишига ишонавермa». Унинг кўз олдида Сафарбек жонланди. У биринчи марта Поляковга шубҳали нигоҳ ташлади. Чарм камзуллига ҳадиксираб қаради. Махсус бўлим бошлиғи эса тинмай алланималарни уқтирар ва тушунтирар эди. Сўзи билан иши бир эмас уларнинг! Ўсарқулнинг қулоқларида устозининг васиятомуз айтган гаплари баралла янгради.

ЖУМБОҚ КАЛИТИ

1938 йил, баҳор кунларининг бирида Ўсарқул НКВД Тошкент вилояти бошқармасида кутилмаган одамни учратди. Икки чекист ҳибсга олинган Убайдуллахўжа Асадуллахўжаевни КПЗ — дастлабки қамоқ камераси томон олиб келмоқда эди.

Устозининг қадрдони қамалди! Водариғ!

—Афандим! —беихтиёр оёқлари у томон одимлаганини сезмай қолди.

—Гаплашиш тақиқланади, ўртоқ, —ёқасига лейтенант шпали тақилган чекист Ўсарқулга таҳдид билан тикилди.

—Ўсарбек? —ҳайрат билан боқди унга адвокат.

—Мен, мен, афандим, —бош ирғади Ўсарқул, —сизни озод қилишларини сўрайман, албатта.

У тез-тез юриб бошлиғининг хонасига кирди. Воқеани унга тушунтириб, Убайдуллахўжа билан суҳбатлашишга ваколат сўради.

ххх

Убайдуллахўжа терговчининг хонасида Ўсарқулни кўриб ажабланмади.

—Афандим!

Ўсарқул у билан қучоқлашиб кўришди. Йигирма йилдан бери адвокатни кўрмаган Ўсарқул ниҳоятда ҳаяжонда эди.

—Ҳеч тушунолмай қолдим, устоз. Икки марта қамалиб, узоқ муддатда сургунда бўлибсиз. Қайси гуноҳларингиз учун?

Убайдуллахўжа ҳорғин жавоб қилди.

—Ҳаммаси делода ёзилган Ўсарқул, ҳаммаси...

—Уларга ишонмайман. Чунки сизни биламан, шахсан биламан, ишонаман. Сиз раҳматли устозим Сафарбекнинг қадрдон дўсти эдингиз. Шунинг ўзи менга етарли.

—Сиз жуда ноёб чекист экансиз, Ўсарқул. Менга ишонадиган биринчи ва ягона чекист.

Ўсарқул бошини қуйи солди. Сўнг изтироб билан унга қаради.

—Ўзи нималар бўляпти, афандим? Шу икки йил давомида ҳаммаси алғов-далғов бўлиб кетгандек. Дўст деганларим душман, душманлар эса халқ дўстлари. Ҳеч ҳам тушунолмай қолдим. Нималар бўляпти ўзи, афандим?

—Бу жумбоқнинг калити вақт, Ўсарқул. Вақт, худди шу вақт-буюк ҳакамдир.

Ўсарқул чуқур хўрсинди. У адвокатни сўнгги марта кўраётганини биларди. Убайдуллахўжа «ўта хавфли шахс» сифатида узоқ муддатга сургунга кетади ва у жойдан энди сира қайтмайди. Бошлиқлар шундай дейишди.

МАХСУС ТОПШИРИҚ

НКВД шарқ бўлимининг бошлиғи қаршисида ўтирган Ўсарқулга қизиқсиниб қаради. Босиқ, сергак. Ўзига ишонган. Жисмонан бақувват. Йигирма йилдан бери махфий топшириқларни бажариб келмоқда.

—Адвокатни қаердан танийсиз?

Ўсарқул қўлидаги қоғозни унга узатди. Генерал уни диққат билан ўқий бошлади.

—Жуда яхши, —дея у Ўсарқулга майин боқди. —Асадуллахўжаев халқ душмани. Лекин илтимосингизни ҳисобга олиб, унинг қисматини енгиллаштирамиз. Нима дейсан, Поляков?

Уларни кузатиб ўтирган махсус бўлим бошлиғи бош ирғади.

—Сизга, ўртоқ Ҳамроқулов, оғир вазифани юклашга қарор қилдик. Оғир ва ғоят масъулиятли.

Биринчи фасл тугади.

(Охири. Боши ўтган сонларда).

Суддан кейинги ўйлар

СИРЛИ МЕҲМОН

АСЛИДА КИМ ЭДИ?..

Яширишнинг ҳожати йўқ, бу бор гап: аксариятимиз баъзи соҳа вакилларига, айниқса, савдогарлар, қассоблар ва бензин қуйиш хизматчиларига ҳамма ишни пул билан битирадиган одамлар деб қараймиз. Уларни эгриқўл ва харидорлар ҳақига хиёнат қилишдан тоймайдиган кишилар деб тасаввур қиламиз. Мабодо, биронтаси жиноий жавобгарликка тортилса, «Ажаб бўпти!» дегандай, бепарво қўл силтаб қўя қоламиз. Лекин уларнинг орасида ҳам ўзига тўғрилари, ногаҳон бировнинг касрига қолиб, ноҳақликка учраганлари борлигини кўпда хаёлимизга келтирмаймиз. Қуйидаги мақола шу хусусда.

Бурноғи йил ёзида Наманган шаҳар милицияси томонидан нефть маҳсулотларини қабул қилиш базаси бош оператори Бахтиёр Отахоновга нисбатан кетма-кет иккита жиноят иши қўзғатилди. Аввалига у фуқаро Маҳмуд Халиловга енгил тан жароҳати етказиб, пулини зўравонларча тортиб олишда гумон қилинди. Кейин, тўрт ҳафта ўтар-ўтмас, корхона мижозларидан бири — «Ансор-сервис» хусусий фирмаси таъминотчиси Илҳом Бадалбоев воситачилигида пора олганликда айбланди. Аслида-чи?

Дастлабки можарони, яъни ўзаро жанжални тарафлар турлича изоҳлашди. Масалан, Маҳмуднинг таъкидлашича, база рўпарасида турганида уни Бахтиёр чақириб қолади. Зарур гапи борлигини айтиб, қоровулхона сари етаклайди. Ичкарига киргач, уч-тўрт киши олдида дабдурустдан «Сен фалончиларнинг югурдагисан, кўзёл!» дея ҳақоратлашга тушади. Буям етмагандай, уни шафқатсизларча уриб-дўппослаб, чўнтагидаги 50 долларини тортиб олади...

Бахтиёрнинг эътирози бўйича, бу даъво қуруқ туҳматдан бўлак нарса эмас. У ўша куни ҳамкасби Сайфиддин Ғаффоровдан ўзини аллаким ташқаридан туриб йўқлаганини уч-тўрт бор эшитади. Бироқ ҳар гал кўчага чиқса-да, ҳеч кимни учратмайди. Ишини тугатиб, уйига қайтаётган маҳали эса корхона дарвозаси олдида қоровуллар бошлиғи Зокиржон Исаев билан гурунглашиб турган нотаниш йигитга кўзи тушади. Йигит Бахтиёрни бир четга имлаб, «нозик жой»да ишлашини, исми Маҳмудлигини шипшийди. Сўнгра ўзича унга ғамхўрлик кўрсатиб, «Сизни кузатишаяпти. Яқин орада бирон баҳона билан қўлга туширишмоқчи, эҳтиёт бўлинг!» дея огоҳлантиради.

Ишидан кўнгли тўқ Бахтиёр совуқ хабарга ишонмайди. Сирли меҳмон билан уришмай-сўкишмай, яхшиликча хайр-хўшлашади. Буни терговда гувоҳлик берган корхона ходимларидан Сайфиддин Ғаффоров, Зокиржон Исаев, Ҳамидулла Нусратуллаевлар ҳам тасдиқлашади. Ҳатто, беш кишилашиб тегишли идорага илтимоснома ёзиб беришади. Бахтиёрга нисбатан фитна уюштираётганларга қонуний чора кўришни сўрашади. Бироқ муз аллақачон жойидан кўчган шекилли, фойдаси тегмайди. Бирлаштирилган жиноят ишлари билан шуғулланаётган милиция терговчиси Р.Назаров уларнинг кўргазмаларини инобатга олмайди. Билъакс, бир жамоа аъзоси бўлганликлари, азбаройи ҳамкасблик ҳаққи-ҳурмати Бахтиёрга ён босишаяпти, дея танқидий баҳолайди. Тайинли фойдали меҳнат билан шуғулланмайдиган, нуфузли идора ҳомини сотиб иш кўрган Маҳмуднинг машаша устида бўлмаган, неки гап бор — барчасини орқа-аваротдан эшитган синглиси Замирахоннинг сўзларини эса ишончга сазовор ҳисоблайди. Шунингдек, вилоят судтиббиёт экспертиза бюросининг М.Халиловнинг бир қовоғи қонталашлиги, чап чаккасининг юмшоқ тўқимаси лат еган кўринишда эканлиги тўғрисидаги хулосасини бирёқлама талқин қилади. «Мазкур жароҳатлар кўрсатилган воқелик ва муддатда қаттиқ тўмтоқ буюм таъсирида етказилган бўлиши мумкин... Йиқилиб тушиш натижасида олиниши эҳтимоли кам» сингари сатрларни гумонланувчи зарарига ишлатади. Алалхусус, Бахтиёр Отахонов Жиноят кодексининг 166-моддаси 2-қисми «а» бандида кўзда тутилган жиноятни содир этган, деган тўхтамга келади.

Иккинчи воқеа тафсилоти бундан-да қизиқ: июл ойи бошида «Ансор-сервис» таъминотчиси Илҳом Бадалбоев Бахтиёрнинг устидан жиноий иш қўзғатилганидан гўёки «тасодифан» хабар топади. Ва беихтиёр бир ойча бурун — 5 июнда унга ўзи каби мижозлардан пора сифатида пул тўплаб берганини «эслаб» қолади. Пировардида, ножўя ишидан «пушаймон чекиб, виждони қийналиб юргани туфайли ўз хоҳиши билан» ариза битади. Қизиғи, уни бошқа ҳеч ким ҳеч нарсада айбламаган. Ҳатто, ҳеч ким ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч нарсани ҳеч ким ҳеч нарсани

«ЖАЗИРАМАДАГИ ОДАМЛАР»

ВА ФАҚАТ У ҲАҚДА ЭМАС



Гарчи бу суҳбатни бир неча ой олдин («Жазирамадаги одамлар»ни ўқигач) қилишни ният қилган бўлсам-да, ўша ниятим мана эндигина амалга ошди. «Жазирамадаги одамлар» романини ўқиб, Луқмон Бўрихон билан суҳбатлашишни кўнглимга тукканимда, бу ёзувчининг ичи тўла гап бўлса керак, деб ўйлагандим (шунча киноя топган одам гап билмасинми). Шунга кўра ҳали қилинмаган суҳбатга сарлавҳа ҳам топиб қўйгандим. Бироқ, ёзувчининг, тан олиш керакки, оғзаки нутқидан кўра, ёзма нутқи яхши эканки, бунга суҳбат давомида амин бўлдим. Баъзи саволларга, ҳатто, «Бу саволга жавобни ёзма берсам майлими?» дейилган жавобсифат саволдан сўнг, юқоридаги фикрим қатъийлашди.

— Ижодкор маълум маънода ўз асарининг баҳосини ўзи билади. «Жазирамадаги одамлар» адабий жамоатчилик томонидан яхши эътироф этилди. Демоқчиманки, бу асар ўзингизнинг наздингизда қандай?

— Зўр. (кулади)

— Асарга тақриз ёзган адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев сарлавҳани «Кинояга йўғрилган умид» деб қўйган. Бу жуда топиб қўйилган сарлавҳа. Лекин асарни қайта ўқиш жараёнида баъзи киноялар ғализ, айрим жойлари ҳатто ғашга тегаётгандек. Баъзи киноялар ўринларда ўзингизни айнан такрорлаётганга ўхшайсиз...

— Бўлиши мумкин...

— Бу жавобингиздан сезилдики, танқидга муносабатиниз яхши эмасга ўхшайди.

— Ҳамма худбинлар қатори танқидга тобим йўқ(роқ). Бирон танқидгўйнинг хоҳиш-иродасига кўра асаримнинг айрим ўринларини қайта ёзсам, бироқ бу яна бир китобхонга ёқмаса, уни яна ўзгартиришим керакми? Хуллас, ташвишдан узоқроқ юрган маъқул.

— «Ёшлик» журналининг 3-сонида берилган «Таҳлика» номли қиссангизни берилиб ўқий олмадим. Балки «Жазирамадаги одамлар»нинг кайфияти билан юрганим учун шундай бўлгандир. Сўрамоқчи бўлганим, яхши асардан сўнг бўшроқ асарнинг чоп этилиши ёзувчи ҳақидаги эътирофларнинг ўзгаришига олиб келмасмикан?

— Ёзувчи ҳам футболчига ўхшайди, шекилли. Гол урганда ҳамма олқишлайди, озгина хатоликка йўл қўйса аёвсиз сўкишади. Лекин футболчи ўйинда давом этганидек, ёзувчи ҳам ёзишда давом этаверади. Қолаверса, ижодкор ҳеч қачон ҳаммага баб-барабар ёқишни ўз олдига мақсад қилиб қўймайди.

— Бугун нашриётлар кўп. Чоп этилаётган яхши-ёмон китоблар ундаланда кўп. Китобларнинг адади эса... Ёзувчи эмас, китобхон сифатида бу ҳолга қандай қарайсиз?

— Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида китоблар қанча тез сотилса, нашриёт ҳам шунча тез ва соз қайта нашр этаверади. Бир китобхон сифатида фикрим шуки, қозонда бори чўмичга чиқмоқда, яъни нашриётлар нимаики ёзилаётган бўлса, барчасини чоп этишга ҳаракат қилишаётир. Бирор асар «шедевр» бўлгани сабабли нашриёт чиқармаганини эшитганим йўқ. Бироқ назаримда, китоб савдо фаолиятини қайта кўриб чиқиб, такомиллаштириш зарур. Чунки нашр этилаётган аксарият маҳсулотлар пойтахт ҳудудида қолиб кетяпти. Вилоятлардаги китобхонлар қўлига етиб бормаяпти. Бу эса, кўнгилсиз ҳол.

— Кейинги пайтда насрда ҳам, шеъриятда ҳам ҳажм жиҳатдан сиқиқликка интилиш бор. Анчайин кичик асарлар ҳам роман деб эътироф этиляпти. Бу ҳақда қандай ўйлайсиз?

— Роман жанри, менимча, ҳам ҳажм, ҳам мазмун-моҳият жиҳатидан залворли ва салобатли бўлиши керак, деб ҳисоблайман. Балки, ихчамликка, сиқиқликка интилиш ҳам кимларгадир маъқулдир, лекин ихчам ҳажмли насрий асарлар учун қисса, ҳикоя деган атамалар ҳам бор.

— Яхши бир роман муаллифи сифатида бугунги ўзбек насри хусусида нима дея оласиз?

— Бугунги насримизнинг аҳволи билан мақтаниб бўлмайди, албатта. Бироқ куйинишимиз ҳам ўринсиз. Чунки ижод давом этмоқда. Ўткир Ҳошимов, Хайриддин Султон, Тоҳир Малик, Омон Мухтор, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам каби забардаст адиблар сафига Абдуқаюм Йўлдош, Қўчқор Норқобил, Улуғбек Ҳамдам каби ёзувчилар дадил-дадил келиб қўшилишмоқда. Худо хоҳласа, яқин келажакда ўзбек насрида ҳам жаҳоннинг асл дурдоналари билан беллашадиган асарлар яратилади.

— Биз китобхонларнинг ҳам ниятимиз шу. Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат.

Зумрад ВАҲОБОВА
суҳбатлашди



ТАБИАТ МЎЪЖИЗАСИ

Бир жуфт теракнинг боши осмонга етди. Куз ёмғиридан кейин қуёш чиқди. Тоғнинг этагида, тоғ ён бағирларида, қоялар кафтида қишнинг совуғига, ёзнинг иссиғига кўникиб, умргузаронлик қилиб келаётган буталар ҳам энтикиб нафас ола бошлади. Тоғ гиёҳлари рангу рўйи сарғайиб кетганини унутаёзди. Бутун атрофни гиёҳлар иси тутиб кетди, аллақандай тотли ифор бу.

Тоғ – мағрурлик тимсоли. Тош қоялар ҳамма нарсага кўниккан одамнинг юрагига ўхшайди. Сабр тимсоли улар.

Қўл ушлашиб ўсган тераклар эгизакдек туюлаверади менга. Улар ҳам одамларга ўхшаб суҳбатлашаётгандек бўлаверади. Шамол эсади, япроқлар секингина шивирлайди.

Табиат қўйнида бўлсангиз, дунёвий дарду ташвишларни унутасиз. Яратганнинг мўъжизалари олдида лол қоласан киши. Атрофга қаранг, ҳар қадамда ҳикмат бор. Биз уни теран нигоҳ билан ўқий олсак, юрак билан тингласак, борлиғимиз нурга, меҳрга тўлади. Яшагимиз, яхши ишлар қилгимиз келади.

Йилнинг тўрт фаслида ҳам гўзаллик тимсоли бўлган тоғлар бағрига ошиқинг! Фасллар ўзгараверади. Табиатнинг мўъжизалари эса тугамайди.

Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ сурат-лавҳаси.

РУҲНИНГ ТИРИЛИШИ

Камолиддин Беҳзоднинг 550 йиллигига

Бадиий Академиямизнинг катта кўргазмалар залида Шарқ Уйғониш даврининг даҳо мусаввири Камолиддин Беҳзод таваллудининг 550 йиллигига бағишланган йирик кўргазма очилди.

Кўргазманинг концепцияси, ички мазмун йўналиши уч қисмдан ташкил топган бўлиб, улар бир-бирини тўлдириб, мазмунан давом эттиради ва кўргазманинг мақсади, моҳияти ўйланган, аниқ йўналишга эга эканлигини кўрсатади. Кўргазма лойиҳасини Элмира Аҳмедова ишлаб чиққан. Лойиҳани ишлашда турли услубларни очиш, дизайнерлик, фикрлаш йўналишида новаторлик изланишлари кўзда тутилган, муваффақиятли ечимлар топилган. Кўргазмада юздан ортиқ миниатюрачи рассомлар, чиннисоз ва кандакорлар, наққошу ёғоч ўймакорлиги санъати, чолғу асбоблари ва хаттотлик усталари 400га яқин асарлари билан иштирок этмоқдалар.

Бадиий Академиянинг раиси, академик Турсунали Қўзиев, академиклар Ниёзали Холматов, Шомаҳмуд Муҳамеджоновлар ўз чиқишларида Камолиддин Беҳзод ижодининг моҳияти, жаҳон тасвирий санъатидаги ўрни, замонавий бадиий ижодиётга таъсири ҳақида сўзладилар. Сўзловчилар Бадиий Академия қошидаги Беҳзод музейи ва мемориал боғга Беҳзод асарларидан микрофильмлар нусхалари, слайдлар, дискларга олинган тасвирлар, рангли фото, асарлардан нусхалар келтирилгани, Ўзбекистонда ижод қилаётган кўзга кўринган рассомларнинг асарлари, аҳолидан ноёб қўлёзма, тошбосма китоблар, турли халқ амалий санъати буюмлари, осори атиқалар, мусиқий асбоблар харид қилингани, шу билан бир қаторда кўплаб мусаввирлар ўз асарларини музейга холисона совға қилишгани, музей фонди халқ ижодиётига оид ноёб асарлар билан кундан-кун бойиб бораётгани ҳақида ҳам айтиб ўтдилар.

Кўргазмада Ш.Муҳаммеджоновнинг Алишер Навоийнинг «Хамса»сига ишланган «Лайли Қайс-Мажнунга ўз ғазалини ўқиб бермоқда» (1988) сурати, Н.Холматовнинг «Шоҳнома» учлиги (2005), «Сўғдиёна маъзож» (1998), «Ошиқ» (1998) асарлари, Ж.Усмонов, Ж.Умарбеков, Б.Жалолов, А.Нур, Ф.Аҳмадалиев, А.Мирзаевлар сезгир томошабин руҳиятини қўзғатувчи, фикрлашга мажбур қилувчи изланишлари силсиласи билан иштирок этганлар. Акмал Нур «Ҳижрон», «Мунаввар тонг», Ф.Аҳмадалиев «Ойдин тун», «Шафақ билан учрашув», А.Мирзаев «Тақдирнинг икки кўриниши» номли асарларида рамзий талқинлар, ифодали белгилар, илоҳий туйғулар, руҳий тўлқинланишларни маҳорат билан ифодалаганлар. Сюрреалистик туйғулар тўлқинларини англаниб-англанмас, илғаш қийин бўлган ҳарир ранглар нисбатида, чизгилардаги мусиқий оҳангдорлик кучи, композицион ечимдаги интуитив сезгиларда пайқашдаги сеҳргар интеллект билан жонлантирганлар. Бу рассомлар Шарқ руҳини, унинг қайтарилмас хусусият ва ҳолатларини ўрта асрлар миниатюраларидан, классик шоир ва мусиқа эпкинидан, мумтоз фантастик хаёлот оламидан илҳом олиб, қувватланиб, шу куннинг энг зукко хаёлот олами билан уйғунлаштира олганлар. Рассом Э.Машарипов эса «Жалолиддин Мангуберди», «Мусиқа» композицияларида сезгилари, туйғуларини ранглар қуюнида, кескин ички тўлқин ҳароратида ифода этган. З.Шариповонинг «Шароб. Базм», А.Алиқуловнинг «Наққош», Х.Муҳиддиновнинг «Шоҳона ов», «Лайлига отасининг маслаҳати», «Мажнун чўлда», М.Воронскийнинг «Рават ул-муҳибн», В.Луговский, Д.Иминоваларнинг «Темур» учлиги, «Минг бир кеча» асарлари ҳам тарихни теран ҳис қилиш асосида акс эттирганлиги билан ажралиб туради.

Кўргазма ўзининг кенг қамровлилиги билан томошабинларда жуда катта таассурот қолдирмоқда.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
санъатшунос

Абул Фараж

ҲИКМАТ — ЙЎЛ ОЗИҒИ

Заиф душману кучли дўст ҳақида

Бир оқил одам айтибди:

— Заиф душманни кучли душман деб бил. Уни кўздан қочирма ва ундан эҳтиёт бўл. Кучли дўстингни заиф деб бил. Шуни эсда тутгилки, унинг мададига тамомила суяниб, кучи ўзинг билан баравварлашадиган душмандан енгилиб қолишинг мумкин.

Қилинган эҳсон бурчнинг ўрнини босолмайди

Оқил айтибди:

— Тавфиқ-диёнатга риоя этмай, бошқа бир яхши иш қилган киши инъом-илтифотга сазовор бўлолмайди. Чунки, эҳсон бурчнинг ўрнини босолмайди.

Ҳаммаси меъёрида бўлсин

Оқил айтибди:

— Ортиқча сув экинга зарар етказгани сингари кўп овқат ейиш ҳам танга шундай зарарлидир.

Алдайдиган кўриниш

Оқил айтибди:

— Маккор одам яланғоч бир қиличга ўхшайди, кўриниши жозибалику, лекин у билан муомалада салгина эҳтиётсизлик қилдингизми, ўзингизни майиб-мажруҳ қилиб қўйишингиз мумкин.

Виждон азобидан қандай сақланиш мумкин

Оқил айтибди:

— Аввал бошдан ўзини муносиб тутиб юрган киши виждон азобига йўлиқмайди.

Жиззаки дўст ҳақида

Бир киши айтган экан:

— Ҳатто, табиатан яхши одам бўлиб кўринса ҳам, аммо жиззаки дўстингга ишонма.

Ҳукмдорларга нафли маслаҳат

Ўзининг барча табаалаларини яхши одам қилмоқчи бўлган ҳоким, даставвал, ўзи яхши одам бўлмоғи лозим. У қийшиқ соя бериб турган нарсани тўғриламай унинг соясини тўғриламоқчи бўлган жинни-ғинни одамга ўхшаб қолмаслиги учун шундай бўлиши зарур.

Қўрқинч ва даҳшат

Оқилдан сўрашибди:

— Қўрқинчли ҳолат даҳшатдан нимаси билан фарқ қилади?

У жавоб берибди:

— Қўрқинч васвасага учиш олдидан бўлади, даҳшат эса унга учгандан кейин чиқади.

Шарофиддин КЎНЧИ
таржимаси

ҲАР БИР ОДАМ ҲУНАРГА СУЯНСИН

Мулоҳаза

Қайси давлатнинг ривожланиш тарихига назар солманг, қайси бир халқнинг жаҳонда ўзининг муносиб ўрнини топиш йўлидаги ҳаракатларини таҳлил қилманг, қайси миллатнинг дунёда бошқаларни камситмаган ҳолда орияти, ғурурини намоён қилиш билан боғлиқ жараёнлар хусусида мулоҳаза юритманг, барчасининг замирида турлича номланиши, турфа кўринишларга эга бўлишига қарамай, ўша давлат ва халқнинг миллий хусусиятлари, миллий табиати акс этиб туради.

Миллатнинг шаклланиши, уни дунёда тан олинган миллат даражасига кўтарилиши нафақат ҳозирги, балки тарихий ютуқлар, анъаналарни ўрганиш ҳамда уларни амалиётда қўллашга ҳам боғлиқ. Миллатнинг миллат сифатида шаклланишида, миллий тикланишида ҳунармандчиликнинг ўрнинг беқиёс. Ҳар қандай ҳолатда ҳам миллий маҳсулот ишлаб чиқариб, ички бозорни миллий маҳсулотлар билан таъминлашда халқимизнинг азалий касб-кори бўлган ҳунармандчилик ҳал қилувчи рол ўйнаган.

Наманган вилоятининг Чуст гўшаси ҳам ўзининг бетакрор ҳунармандчилик санъати билан юртимизда ўз обрў-эътиборига эга. Чустда яратилаётган миллий пичоқлар, Чуст номи билан тикилаётган дўппилар, заргарлик буюмлари шу халқнинг номини оламга ёймоқда. Бундан бир неча йил аввал Президентимиз Наманганда бўлган пайтларида Чуст дўппиларининг довруғини оламга ёйиш тўғрисида фикр билдирган эдилар.

Мустақиллик халқимизнинг бетакрор ҳунармандчилигини яна қайтариб берган экан, эндиликда ушбу соҳани замонавий талаблар асосида ривожлантириб, жаҳон бозорига чиқиб дунёда ўз ўрнини топишига ҳаракат қилиш лозим. Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси-нинг ҳаракат дастурида ушбу масала алоҳида ўрин тутади.

Ички бозорни ҳунармандчилик маҳсулотлари билан таъминлашдаги беқиёс улушини эътиборга олган ҳолда мазкур соҳани реал ривожлантириш йўлларини танлаш, улар фаолиятини тартибга солиб турувчи, қўллаб-қувватловчи қонунлар яратишга эътибор қаратиш лозим. Бу соҳада маълум қўллаб-қувватловчи механизм яратиш ҳунармандчилик соҳаларини ривожлантиришнинг зарур шарти.

Энг аввало, ҳунарманлар яратаётган маҳсулотлар сифатини янада юқори даражага кўтариш учун уларни энг замонавий техника ва технологиялар билан қуроллантириш, чет эл сармояларидан фойдаланган ҳолда четдан замонавий асбоб-ускуналарни сотиб олиш механизмини яратиш ҳам шу куннинг талаби.

Бизнинг ҳунармандчилик маҳсулотларимизга четда эътибор, қизиқиш жуда катта. Бу ишлаб чиқаришнинг узлуксизлигини таъминлашга имкониятлар очади.

Агар биз бугун ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиб олмасак, ўша корхона иши қачон яхши томонга қараб юради, қачон ўз ишида янги ўзгаришларни амалга ошира олади? Қачон янги технология сотиб олади ва хориж билан беллаша оладиган маҳсулот ишлаб чиқара олади?

Ахир миллий иқтисодиётни оёққа турғазиш учун, ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаришга интилаётган корхоналарни биз ўзимиз қўллаб-қувватламасак, уларни ҳеч ким бошқа жойдан келиб қувватламайди, уларнинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун шароит яратиб бермайди.

Биз пахта, пилла, олтин каби нодир маҳсулотларимиз эвазига келаётган хориж валютасини қандай ишлатяпмиз? Кўп ҳолатда мазкур валюталар сифатсиз, «бир марталик» кийим-кечаклар сотиб олишга сарфланмоқда. Агар юртдошларимизнинг маълум бир қисмида ватанпарварлик ҳисси юқори бўлганда, ўз юртимизга сифатсиз маҳсулотларни олиб келиш эмас(валютага), балки ички маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш билан шуғулланган бўлар эдилар. Сифатсиз маҳсулотларнинг юртимизга кириб келиши, устиялтироқ ички қалтироқ маҳсулотлар ишлаб чиқаришни синишига, кам бўлса-да, мамлакат ичида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар бозорини инқирозга учрашига сабаб бўлмоқда.

Сифатсиз маҳсулотларни ички бозоримизга киритилишини тақиқлайдиган қонунлар яратилган, чегара ҳудудларидан олиб ўтиш тартиби, меъёрлари белгиланган. Аммо ҳали-ҳамон бозорларимиздан хоришнинг сифатсиз маҳсулотларини истаганча топиш мумкин. Кўплаб сохта «тадбиркор»лар қайсидир ҳудуддан чегара постларини четлаб, ноқонуний йўллар билан сифатсиз товарлар олиб кириб, ички бозоримизни «гуллатмоқда»лар.

Аввалроқ Президентимиз Наманганда бўлганда, Уйчи пахтасидан «Уйчида ишлаб чиқарилган» деган тамға билан кўйлак тиксак бўлмайдими, деган масалани қўйган эдилар. «Пахта ўзимизники, — деган эдилар ўшанда. — Хўш қачонгача ундан тайёрланадиган кийим-кечакларни хориждан сотиб оламиз? Нима учун, «Уйчи» номли эркаклар кўйлаги тикишни кенг йўлга қўймаслигимиз керак?».

Ўз меҳнатимиз, пешона теримиз эвазига етиштирилган хом ашё ўзимизда қайта ишланиб, тайёр маҳсулот даражасига етиши ва экспорт қилиниши жуда муҳимдир. Айрим сохта тадбиркорларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатлари эса бундай хайрли ишларга тўсқинлик қилиш, ишлаб чиқарувчиларга зимдан зарба беришга ўхшайди.

Одилжон АБДУҚАҲҲОРОВ,
Чуст

ЭПЛИ МОМОМ

Онамларнинг айтишича, саховат борасида қишлоқда бобомга тенг келадигани бўлмаган экан. Қўли очиқ ва бағри кенглиги туфайли бобомнинг уйидан сира меҳмоннинг кети узилмаскан. Момомнинг табиати эса умуман бошқача бўлиб, етти ўлчаб бир кесадиган, ўта иқтисодчи кампир бўлган. Ҳар гал бобом уйга гўшт келтирса, момомнинг қўлига тутқаза туриб: «Кампир, буни бугундан қолдирманг», деб таъкидларкан. Момомнинг ўчоқ бошида захроқ жойга кўмилган бир хумчаси бўлиб, чолига хўп, деркану, ўчоқ бошига боргач, гўштни қозонга ташлар пайти бир бўлагини ўша хумчага солиб қўяркан. Кунлардан бирида уларнинг уйига узоқдан меҳмонлар келибди, бу кутилмаган таш-рифдан довдираб қолган бобом ҳар томон чопа бошлабди. Буни кўрган момом чолини имлаб чақирибди ва «Сиз меҳмонлар билан гурунг қилиб ўтираверинг, бу-ёғини мен ўзим эплайман», дебди. Бобом меҳмонлар билан суҳбатлашар экану кўзи ўчоқ бошида. Бу кампир уйда гўшт бўлмаса, остона ҳатлаб қўшниларникига чиқмасдан қандай ош тайёрлаётганидан ҳайрон экан. Хуллас, ош тайёр бўлибди, бобом кўнгилдагидек қилиб меҳмонларини кузатибди. Сўнг кампиридан қаердан гўшт топганини сўрабди. Шунда кампир чолни етаклаб бориб, хумчани кўрсатибди. Кампирининг бу тадбиридан хурсанд бўлган бобом «айланай, эпли кампиримдан» деб, пешонасидан ўпиб қўйган экан.

Муҳаммад СИДДИҚ

РАКНИНГ ДАВОСИ БОРМИ?

Хитойлик тиббиётчи олимлар узоқ муддатли изланишлардан сўнг ракка қарши янги турдаги дорини кашф қилишди. Бу дорининг афзал томони шундаки, у одам танасини заҳарламайди, жигар, буйрак, юрак, асаб тизимига ҳам салбий таъсир кўрсатмайди.

Хитой тиббиётида фойдаланиладиган гиёҳлар ва энг илғор технологиялар ёрдамида инқилобий кашфиёт қилишга эришган олимлар ишининг самарали бўлаётганидан хурсанд. Бу дори билан даволаш жараёнида 500 мингдан зиёд рак касаллигига чалинган хитойликларда яхши ўзгаришлар бўлгани кўпчиликни қизиқтириб қўйди.

Яна бир нарса, Соғлиқни сақлаш вазирлигида бу дори синовдан ўтказилганида унда инсон саломатлигини тиклаш хусусияти борлиги ҳам аниқланди. У рак ҳужайраларини ўлдириш билан бирга, танадаги турли хил ўсимталарнинг ҳам илдизини қуритади. Бундан ташқари, одам танасининг қувватини кучайтиради ва оғриқни пасайтиради. Энг муҳими, бу дорини кимётерапия билан биргаликда операциядан олдин ҳам, кейин ҳам қўллаш мумкин экан.

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партияси Марказий Кенгаши, «Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти Ўзбекистон Қаҳрамони, «Жаҳон адабиёти» журнали бош муҳаррири

Озод ШАРАФИДДИНОВнинг

вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.

«Миллий тикланиш» газетаси таҳририяти «Шарқ» НМАК Капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Абдуҳаким Юсуповга падари бузруквор

Абдухалил ота ЮСУПОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Milliy tiklanish

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ | Бош директор: Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ

Таҳрир ҳайъати:
Қаландар АБДУРАҲМОНОВ, Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Раъно ЗАРИПОВА, Хайринисо МИРЗАЖОНОВА, Шарифа САЛИМОВА, Абдунаби СИДДИҚОВ, Жаннат ТОШМАТОВА, Олим ЎСАРОВ, Мунира ҚОРИЕВА

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма: Г — 925. Ҳажми 2 босма табоқ. Адади 1502. Сотувда эркин нархда

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Саҳифаловчи: Раъно ИСМАИЛОВА. Босишга топшириш вақти 20.00. Нашр кўрсаткичи — 158

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32 уй

Телефонлар: қабулхона — 133-67-51, 136-56-29, бўлим — 136-58-80, реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 20.00